O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 18 февраль, №34 (3308) Чоршанба

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ:

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

***Жойларда ўтаётган фаоллар йиғилишлари 2003 йилда вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажаришга асосий эътибор қаратилаётган ушбу йиғилишларда ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, бой берилган марраларни эгаллаш, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда.***

### СУРХОНДАРЁ

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бултурги якунлари ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича долзарб йўналишлар таҳлилига бағишланган йиғилишда вилоят ҳокими Т.Қодиров маъруза қилди.

Сурхондарёлик деҳқонлар 2003 йилда ғалла, пилла, пахта тайёрлаш шартнома режаларини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажардилар. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш сезиларли даражада кўпайди.

Айни пайтда капитал қурилишда, пудрат ва лойиҳалаш ишлари бозорини ташкил этишда сусткашлик давом этаяпти. Фаолиятини тўхтатиб қўйган қурилиш ташкилотлари кўп. Бюджет маблағи ҳисобидан қурилган объектларнинг нархи ошиб кетаяпти.

Қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи бозоридаги муаммолар талайгина. Акция бозорини ташкил этиш ўрнига унга узоқдан томошабинлик қилиб ўтириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов нутқ сўзлади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### БУХОРО

Бухоро вилоятида 2003 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришилди. Саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайди. Аҳоли даромадлари ошди. Пилла, пахта, дон етиштириш шартнома режалари уддаланди. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, фермерликни ривожлантириш борасида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Четдан инвестиция киритиш, қўшма корхоналар очишга эътибор кучайди. Ўтган йили олти миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя киритилиб, 12 та қўшма корхона ташкил этилди.

Ечимини кутаётган муаммолар, фойдаланилмаган имкониятлар, афсуски, бор. "Бухоро ипаги", "11-автотранспорт корхонаси", "Куйимозор", "Абдулхолиқ Ғиждувоний" ҳиссадорлик жамиятларида, Бухоро шаҳри, Жондор, Бухоро, Пешку, Ромитан, Қоровулбозор туманларида давлат активларини сотиш топшириғи бажарилмади. Аҳолининг коммунал тўловлардан қарзлари ошиб бормоқда.

2003 йилда Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Йиғилишни вилоят ҳокими С.Хусенов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Т.Тангирбергенов бошқарган йиғилишда 2003 йилда Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Қорақалпоғистонда ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот етиштириш 10 фоизга ўсди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва пулли хизмат кўрсатиш ҳажми анча кўпайди. Пилла, буғдой, шоли етиштириш ва давлатга сотишда силжиш кўзга ташланди.

Бироқ камчиликлар ҳам оз эмас. Мавжуд 85 саноат корхонасининг 39 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2002 йилга нисбатан анча камайиб кетди. Халқ хўжалиги юкларини ташиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам пастлигича қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигида кўзланган натижаларга эришилмади.

Давлатга пахта сотиш режаси 50 фоизга етди, холос. Чимбой, Шуманай, Беруний ва Қонликўл туманларида ҳосилдорлик 10 центнердан ошмади.

Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш чора-тадбирлари белгиланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳамда 2004 йилда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар аниқлаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси молия вазири М.Нурмуродов сўзга чиқди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### ХОРАЗМ

2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган Хоразм вилоят фаоллари йиғилишини вилоят ҳокими И.Бобожонов бошқарди. Унда ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми олдинги йилга нисбатан 3,8 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 14,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 10,5 фоизга ўсганлиги таъкидланди.

Вилоят иқтисодиёти ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликлар ҳам бор. Масалан, вилоят бўйича 418 миллион сўмлик акциялар сотилмай турибди.

Шунингдек, йиғилишда халқ таълими соҳасидаги камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Вилоятда 4 та авария ҳолатидаги мактаб мавжуд. Ўқувчилар баъзи мактабларда 2 сменада ўқишяпти. Баъзи мактабларда ўқув қуроллари, парталар етишмайди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Асрий ҳамкорлик

*Яқинда Хитойдан "Ўзбекистон-0001" деб рақамланган электровоз келтирилди. Бу сотиб олинган ўн иккита электровознинг биринчиси бўлиб, айни пайтда у дастлабки синовдан ўтказилаётир. Юк тортиш қуввати юқори бўлган ушбу электровозлар Германия ускуналари асосида Хитойда йиғилган. Шунингдек, депонинг йигирма нафар мутахассиси у ерда мазкур электровозларни бошқариш, таъмирлаш бўйича ўз малакаларини ошириб қайтди. Бошқаруви тўла компьютерлаштирилган ушбу электровозларнинг қолган ўн биттаси май ойига қадар юртимизга келтирилади.*

*— Менга Ўзбекистон ғоят ёқди, — дейди хитойлик мутахассис, мазкур электровозларнинг бош конструктори Со Те Ко. — Айниқса, ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг ўз ишига масъулият билан ёндошишига, тиришқоқлигига қойил қолдим. Бу дўстона ҳамкорлигимизнинг ибтидоси эмас. Биз асрлардан асрларга ўтиб келаётган ана шу дўстликка ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз.*

**Суратда: машинист Рустам Ҳожиметов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## Экспортчилар учун семинар

Тошкентда Экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш маркази — "POYTAXT-EKSPORT" томонидан "Ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар роли ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона ва солиқ қонунчилигидаги ўзгартишлар" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Халқаро ташкилотлар, ваколатхоналар, қўшма ва хорижий корхоналар, хусусий ҳамда давлат хўжалик субъектлари, кичик бизнес ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу семинарда мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти, тариф сиёсати, валюта тизимини мувофиқлаштириш, ташқи савдо операцияларини соддалаштириш, импорт маҳсулотларига божхона божи ставкалари, шу жумладан, божларнинг нолга тенг ставкаларини қўллаш тартиби, солиқ сиёсати ва 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси мутахассисларининг маърузалари тингланди. Шунингдек, улар тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 февраль.

### Олий Мажлисда



*Кеча Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ва ҳуқуқий асослари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Фермерга қирқ ҳунар оз

Унда агросаноат комплексига кирувчи вазирлик, идора, қўмита ва ташкилотлар ҳамда нодавлат уюшмалар, илғор фермерлар, мутахассислар иштирок этишди.

Давра суҳбатини қўмита раиси Искандар Қаландаров очаркан, жумладан, шундай деди:

— Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратиб, соҳадаги ютуқ ва муаммолар хусусида алоҳида тўхталди. Давра суҳбатимиздан кўзда тутилган мақсад ҳам, аввало, мавжуд муаммоларни биргаликда таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича фикр-мулоҳазаларингизни билишдир.

Тадбир иштирокчилари мунозарага киришиб, соҳадаги мавжуд муаммолар, хусусан, минерал ўғит, ёнилғи, имтиёзли кредит олишдаги сансалорлик ва ортиқча қоғозбозликлар, тайёрлов ва таъминот идораларидаги ҳеч кимга кераксиз воситачилар, ишчи кучи ёллаш шартномалари мукаммал эмаслиги, фермерларни мавжуд қонунчилик асосида ҳимоя қилиш лозимлигини таъкидладилар.

Давра суҳбатида алоҳида таъкидланишича, айрим вазирлик, идора ва қўмиталар томонидан агротехник қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни тўғридан-тўғри ҳаётга жорий этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Оқибатда, ушбу тавсиялар бўйича иш юритган фермерлар гоҳида нохуш вазиятга тушиб қолаяптилар. Ҳолбуки, ҳар қандай тавсия ёки қўлланма, аввало, Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, тасдиқлангандан кейингина амалиётга киритилиши лозим.

**Саид ОЛИМОВ.**

### Маърифат соати

*Ҳам касбий, ҳам маънавий етук кадрлар тайёрлаш — тараққиёт талаби. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган бу вазифанинг ҳаётий муҳимлигини дунёдаги энг ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, халқаро тажрибалардан хулоса чиқарилган ҳолда, ҳар жиҳатдан етук, баркамол кадрлар авлодини тарбиялаб етиштириш мамлакат таълим тизими олдига асосий вазифа сифатида қўйилди. Айниқса, бу масалани ҳал этишда олий таълим босқичи алоҳида масъулиятлидир.*

## Кадрлар маънавияти — муҳим масала

Айтиш керакки, ўтган йилларда юртимиз олий таълим тизимида бу борада катта ишлар қилинди. Юксак касбий малака, замонавий изланувчан тафаккур, етук маънавият олий таълим тизими етиштираётган энг яхши кадрларга хос фазилатлардир. Шу билан бирга, бу борада изланишлар, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириб бориш, кадрлар сифатини тобора яхшилашни таъминлашга интилишлар давом этмоқда. Педагогик жараёнда янги ташаббуслар ва тажрибаларга дадил йўл очилмоқда.

Яқинда республика олий таълим муассасалари фаолиятида ана шундай тажрибалардан яна бири амалиётга жорий этилди. Бундан кейин (душанба ва шанба кунларидан ташқари) ҳар ойнинг бир куни олий ўқув юртларида «Маънавият куни» деб белгиланадиган бўлди. Бу кунларда талабаларнинг маънавий-руҳий тарбиясига эътибор янада кучайтирилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг шу масалага доир буйруғида таъкидланганидек, «Таълим муассасасида талабалар онги ва қалбида ватанпарварлик, ўз халқи ва миллатига садоқат, иймон, диёнат, камтарлик, самимият, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, бағрикенглик, қонунга итоаткорлик, давлат тузумига ҳурмат каби маънавий баркамол фазилатларни сингдириш» Маънавият кунларида ўтказиладиган тадбирларнинг бош мақсади, вазифасига айланади.

Сирасини айтганда, маънавий-маърифий тарбия олий таълим тизимида шу пайтгача ҳам умумий педагогик жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб келмоқда. Ихтисослик йўналишларидан қатъи назар, барча олий ўқув юртларида маънавий-маърифий тарбия билан боғлиқ бир қатор фанлар ўқитиб келиняпти. Янги жорий этилган Маънавият кунларида эса талабалар билан дарсдан ташқари олиб бориладиган маънавий-маърифий тадбирларни фаоллаштиришга эътибор янада кучайтирилади.

Шу мақсадда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз тизимидаги барча олий таълим муассасалари раҳбарияти билан келишган ҳолда, ҳар бир олий ўқув юртида январь ойидан бошлаб кейинги ойларнинг муайян бир кунини «Маънавият куни» деб белгилади. Таълим муассасаларида ҳафталик дарс жадваллари шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилмоқда ва белгиланган куннинг дарс соатлари ҳисобидан «Маънавият куни» тадбирларига вақт узайтирилади.

(Давоми 2-бетда).

## МУКОФОТ СОҲИБАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).*** *Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда талабалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.*

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, ёш авлод тарбияси билан шуғулланиши учун кенг имкон яратиб берилган. Иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлашга, улар истеъдодини камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ ҳар йили ушбу мукофотга аъло хулқи, ўқишдаги ютуқлари, ижтимоий фаоллиги билан назарга тушган, истиқлол ғояларини амалга оширишга астойдил интилаётган 25 ёшгача бўлган қизлар сазовор бўлаётир. Нуфузли мукофот уларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданият соҳасидаги ижодий фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил ҳам мазкур мукофотга барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган иқтидорли қизларнинг номзоди кўрсатилган.

***Наврўз билан бирга ҳаётимизга, турмушимизга фаровонлик, ободлик, тўкин-сочинлик ва қут-барака кириб келади. Одамлар тараддудга тушиб қоладилар. Янги кун уларни ҳар жабҳада фаолликка чорлайди. Айниқса, бу йил — Меҳр ва мурувват йилида унинг ташрифидан умидлар бисёр.***



### Наврўз нафаси

## «...Онинг учунки шод бўлғай»

Қиш ичи ёлғизликдан зериккан дов-дарахтларнинг қорамтир пўстлоқлари бугун анча оқаришиб қолгандай. Ҳали барг ёзиб улгурмаган шохлари кўкламолди шабадасида бесўнақай чайқалиб, бир-бирига урилади. Менинг назаримда эса, соғинч билан, меҳр билан бир-бирини қучади, қутлайди, шукрона айтади. Эҳтимол, шу топда шўрчилик тадбиркор, "Ниҳол" хусусий фирмаси бошлиғи Ҳайдар Маҳмудов ҳам Наврўз тараддуди билан банддир. Тадбиркорнинг "Боботоғ" ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган фирмасида 100 хил дарахт кўчатлари парваришланади. Жамоа ҳар байрамда турли ташкилот, муассаса, мактаб, касалхона, маҳаллаларга ниҳол улашади. Бугун "Оқ камар" маҳалласида минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар виқор билан қад ростлаб турибди. Республика "Тез тиббий ёрдам" марказига совға қилинган юз минг сўмлик ниҳолларнинг авжи баланд. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тўёна қилинган бир машина кўчатлар шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Кўпчиликнинг ўртасида «Маҳмудовнинг кўчатлари» деган ибора пайдо бўлди. Айни пайтда улар йўл четларида, хиёбонларда, борингки, Сурхон воҳасининг кўзга кўринарли масканларида жойлашиб, ҳам соя ташлайди, ҳам мева беради. Жамоанинг бу йилги кўчат улашиш мавсуми режаси январь ойидаёқ тахт қилиб қўйилган. Уларнинг орзуси Ўзбекистонни янада гўзаллаштириш, янада кўркамлаштириш. Хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, феъл-атворларида эса эл-юртга меҳр мужассам. Жамоа сардори эрта тонгда кўчатзор томон боракан, табиатдаги уйғониш ва жонланишга ҳузурланиб боқади, вазмин одимлари ерни авайлаб ўпади: сени соғиндик, Наврўз!

"Андижон уруғларини дунёга танитамиз" деб номланган фирмада ҳам иш қизғин. Жонкуяр жамоа республикамизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, турфа гуллар билан безашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ишнинг дебочаси сифатида Андижон вилоятидаги қатор туманларда гулу-гулзорлар пайдо бўлди. Германиянинг "Крестенсен", Голландиянинг "Роял слайс" ва "Бео Зоден" фирмалари билан ҳамкорлик жамоага ҳам шуҳрат, ҳам даромаду фойда келтирмоқда.

— Наврўз халқимизнинг ўлмас байрами, — дейди жамоа раҳбари Абдуқодир Каримов. — Унинг асосида эзгулик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, инсонпарварлик яшайди.

(Давоми 3-бетда).

# Кадрлар маънавияти — муҳим масала

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирлик томонидан Маънавият кунлари тадбирларининг умумий намунавий режаси ҳам ишлаб чиқилиб, олий ўқув юртлари ректорлари йиғилишида тасдиқланди. Ушбу режада кўп ва қизиқарли тадбирлар белгиланган. Қисқа мақола ҳажмида уларнинг барчаси тўғрисида батафсил тўхталишнинг иложи йўқ. Шу сабабли намунавий режада белгиланган тадбирларнинг айрим, энг муҳимларини эслаб ўтишни лозим, деб билдик.

Жумладан, тадбирлар режасида белгиланганидек, олий таълим муассасаларида мустақил Ўзбекистонимизнинг янги тарихига доир муҳим саналар ва воқеаларга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Мустақиллик куни, Конституция қабул қилинган кун, ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кун, Ўзбекистон байроғи, Мадҳияси қабул қилинган кунлар олий таълим муассасаларида Маънавият кунларининг бош мавзулари бўлади. Табиийки, бу тадбирлар талабалар дунёқараши ва ҳис-туйғулари тарбиясида салмоқли ўрин тутади.

Маънавият кунларида талаба ёшлар республикамизнинг таниқли намояндалари, сиёсат, давлат ва жамият бошқаруви арбоблари, олимлар, адиблар, халқ депутатлари, тадбиркорлар, меҳнат қаҳрамонлари, машҳур спорт усталари, шифокорлар, бошқа кўзга кўринган кишилар билан ҳам учрашадилар, театрларга, музейларга борадилар. Бундай тадбирлар бўлажак кадрлар маънавиятига эзгуликларни инъом этиши шак-шубҳасиздир. Бу тадбирларнинг кўп томонлама аҳамиятга эга эканлигини ҳам унутмайлик. Масалан, пойтахтимизда улуғ адиблар, санъаткорлар, олимларнинг уй-музейлари бор. Афсуски, бу хайрли маънавий-маърифий даргоҳларга ташриф этувчиларни етарли, деб бўлмайди. Олий таълим муассасаларидаги Маънавият кунлари режаларида талабаларнинг ана шу даргоҳларга сафари махсус тадбирлар сифатида белгиланган. Музейларга, театрларга томоша истаб келган талабалар бу даргоҳлардан беихтиёр муҳим маънавий-маърифий таъсирни ўз онги ва қалбига юқтириб чиқиши аниқ.

Маънавият кунларида, шунингдек, талабалар олий таълим муассасалари раҳбарлари билан ҳам юзма-юз учрашиб, бевосита мулоқотда бўладилар. Бундай учрашувларда олий ўқув юрти ҳаёти ва фаолиятидаги муаммолар ёшлар билан ўзаро, очиқ-ойдин муҳокама қилинади ва уларни зудлик билан ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилади. Бу — Маънавият кунларининг энг самарали жиҳатларидан биридир.

Хуллас, режадаги тадбирлар бири-биридан маъқул ва қизиқарли. Энг муҳими, уларни сифатли, малакали ва жонли, самимий бир руҳда ташкил қила олишда, албатта. Бу борада биз олий таълим муассасаларининг Маънавият кунларини ўтказиш учун масъул, тегишли мутахассисларига ижодий куч-ғайрат тилаб қоламиз.

Шу билан бирга талабаларнинг маънавий тарбияси тўғрисида гап кетар экан, шунга боғлиқ яна бир ғоят-да муҳим, ҳатто ҳал қилувчи масала тўғрисида сўзламоқчимиз. Бу — олий таълим муассасасидаги ижтимоий-маънавий муҳит масаласидир. Агар олий таълим муассасаларида маънавий, илмий-педагогик, ахлоқий муҳит соғлом бўлса, бундай муҳитда кадрларнинг маънавий тарбияси кутилганидан ўн чандон зиёд самара беради. Биз таълим даргоҳларида маънавий-ахлоқий ва педагогик муҳитнинг соғломлигини, устозларнинг ижобий ибратини кучайтириб боришни ҳам муҳим, деб биламиз.

**М. САФАРОВ.**

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

# Қўли очиқнинг йўли очиқ



**Шакардан ширин мевалари, тилёрар узумлари, сархил сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан донг таратган паркентлик танти деҳқонлару уста боғбонлар ҳақида эшитмаган одам юртимизда топилмаса керак.**

**Ана шу меҳнаткаш, қалби яратувчанлик, бунёдкорлик ишқи билан банд паркентликларнинг савобли ишларини қаламга олиш ниятида шу томонга ошиқдик.**

Паркентнинг рамзий дарвозасидан ўтишимиз биланоқ, тоғнинг соф ҳавосидан дастлаб дил яйраган бўлса, ҳаял ўтмай йўлнинг икки четидаги ям-яшил арчалар, уларнинг тагига ҳалқа шаклида териб қўйилган бир хил ўлчамдаги оппоқ тошлар ойнинг қудуқдаги акси мисол ажиб бир чирой бахш этиб турибди.

Туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Искандар Мирсаидов билан марказнинг диққатга сазовор жойларини айланиб, кейинги даврда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилганига шоҳид бўлдик. Меъморчиликнинг илғор анъаналарини ўзида мужассамлаштирган замонавий бинолар, савдо дўконлари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Аҳамиятлиси, буларнинг аксарияти тадбиркорлар, ишбилармонлар қўли билан бунёд этилаяпти.

Биз ҳали бўёқлар ҳиди кетмаган 45-умумий ўрта таълим мактабига кириб борганимизда 10-15 чоғли одам турли юмушларни бажаришарди. Улардан бири бизга пешвоз чиқиб, саломлашгандан кейин, мактаб директори Мирсобит Миртолибов эканлигини билдик.

— Бу мактаб қурилиши 1984 йилда бошланган эди, — деб гап бошлади суҳбатдошимиз. — Чала бино дейишга ҳам арзимайдиган бу жой салкам 20 йил эгасиз, қаровсиз ётди. Пахса девордан қилинган мактабда жон ҳовучлаб дарс ўтдик. Шукрким, замон ҳам, унга қараб одамлар ҳам яхши томонга ўзгара бошлади. Туманимиздаги тадбиркорлар, ишбилармонлар, деҳқон ва фермер, ширкат хўжаликлари раҳбарлари ўтган йилнинг сентябрь ойида ибратли бир ишга қўл урдилар. Қувонмай бўладими, ахир бу неча йиллик орзумиз эди. Ёшим олтмишдан ошиб бунақа катта ҳашарни кўрмаган эдим. Кўпчилик бирлашса, нафақат битта мактабни, бутун бир шаҳарни ҳам қуришга қодир эканлигига чин дилдан ишондим.

Мирсобит ака билан синф хоналарини айланиб, очиғи, мактаб қурилиши ҳақиқатан меҳр, иштиёқ билан амалга оширилганлигига тан бердик. Пишиқ ғиштдан тикланган, ёруғ ва кенг хоналар замонавий услубда пардозланган, полларига линолиум тўшалган, шифтига қандиллар ва деразасига оппоқ пардалар осилган, иссиқлик тизимларининг ишлашини кўриб, беҳосдан «Бу масканда ўқиш қандай маза-я», деб юборибмиз.

Маълум бўлишича, мактабда 30 та синф хонаси бўлиб, уларда "Наврўз" байрами арафасида 800 га яқин ўқувчи таълим олишни давом эттирар экан.

Замонавий талабларга мос келадиган бу мактаб қурилишига 1 миллиард сўм атрофида маблағ кетгандир, дея ўзимизча хомчўт қилдик-да, сўнг бу ҳақда домладан сўрадик.

— 300 миллион сўм атрофида, — деб қисқагина жавоб қилди ва секингина қўшиб қўйди.

— Буларнинг бари фарзандларимиз келажаги учун. Шу боис минг бир ташвишдан ортиб улар аъмолини ўйлаган саховатпеша ҳамюртларимизга, мактаб қурилишида иштирок этган ҳамма-ҳаммага раҳмат. Агар ҳомийлар номини, ким қанча маблағ қўшганини бирма-бир санасам, анча вақтингизни оламан. Биргина, Юнус Ражаматов деган тадбиркоримиз 8 та синфга 8 миллион сўм сарфлади.

Мирсобит акадан мактабнинг қандай номланганини сўраганимда у киши мийиғида кулиб:

— Энди буни қурганлар, саховатпешалик қилганлар ҳал қилгани дуруст, — деди.

Шундан сўнг бу ердан чамаси бир чақирим нарида яна бир илм маскани бунёд қилинаётганини эшитиб ўша ерга йўл олдик. Битай деб қолган бинонинг кириш қисмига пешайвон ўрнатишяпти. Пишиқ ғиштдан тикланиб, ганчкорликнинг энг нозик усуллари қўлланганини кўриб, кошонами, дейсиз.

Маълум бўлишича, 420 ўринга мўлжалланган 3-ўрта мактаб биноси ҳам тез орада ишга туширилар экан. Пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолган бинонинг орқа томонида спорт зали ҳам жадаллик билан тикланмоқда. Муҳими, барча сарф-ҳаражатлар тумандаги "Бойқозон" ширкат хўжалиги ҳисобидан қопланаётир.

Таъкидлаш жоизки, туманда бундай мурувват кўрсатаётган жамоалар кам эмас. Мисол учун, "Заркент" ширкат хўжалигида 240, "Навбаҳор"да 240, «Чанги» ширкат хўжалигида 422 ўринли умумий ўрта таълим мактаблари ҳам қўли очиқ ҳомийлар томонидан қуриб битказилган.

Мурувватли тадбиркорлар фақат шу билангина чекланиб қолишгани йўқ. Жумладан, туман марказий касалхонасининг Оналар ва болалар бўлимини қайта таъмирлаб, зарур тиббий асбоб-ускуналар ҳамда гилам, поёндоз, телевизор, кроват каби жиҳозлар билан таъминлаш учун 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфладилар.

Ҳа, қўли очиқнинг йўли очиқ, дейдилар. Паркентлик тадбиркорлар Меҳр ва мурувват йилида яна кўплаб эзгу ишларга қўл уришяпти. Насиб этса, пок ният билан бошланган юмушлар яхши мевалар бериши аниқ.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТ

*янгиликлари*

## Ҳамкорлик самара бермоқда



Ўзбекистоннинг Жалолқудуқ ва Россиянинг Ижевск шаҳарларидаги подшипник заводларининг ҳамкорлиги ўз самарасини берди: Андижон вилоятидаги цехлар илғор технологиялар билан жиҳозланиб, дастгоҳлар тўлиқ таъмирланди. Ишчилар сони эса 37 кишидан 200 кишига кўпайди.

Ҳозир бу ерда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ва бошқа мижозларнинг буюртмалари асосида подшипниклар ишлаб чиқарилмоқда.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзэкспомарказ» мавсумга шайланаяпти

Йилнинг март ойидан бошлаб республика савдо-кўргазмалар маркази — «Ўзэкспомарказ»да янги мавсум бошланади. Шу муносабат билан ҳозир унинг ҳудудида жойлашган мавжуд павильонлар капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Хусусан, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг лойиҳаси бўйича «Ирригация» павильони бутунлай қайта жиҳозланди. Бу ўз навбатида кўплаб экспозицияларни намойиш қилиш имконини беради.

**А.АЛИЕВ.**

## Танловнинг биринчи босқичи



Янгибозордаги маданият уйида «Ташаббус — 2004» республика кўрик-танловининг биринчи босқичи ўтказилди. Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермерлар уюшмаси вакиллиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда учта номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Жумладан, «Мудофаа-сервис» фирмаси «Энг яхши тадбиркор», «Наргиза» фермер хўжалиги «Энг яхши фермер», «Ким Ирина» хусусий корхонаси «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича 1-ўринни эгаллади. Ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Л.МАНСУРОВ.**

## Ирригаторлар кўмакчиси

Республика сув хўжалиги корхоналари ўртасида ўтказилган танлов савдоларида «Тоштўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ғолибликни қўлга киритди. Мутахассисларнинг эътироф этишича, мазкур корхонада тайёрланган кичик қўл насослари ирригаторларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиши мумкин. Чунки улар 8-15 метр чуқурликдаги сувни босим орқали юзага чиқариш қувватига эга. Айниқса, янги насослар чўл зоналарида қўл келади. Улардан ҳатто яйловларда чорва молларини суғоришда ҳам фойдаланса бўлади.

**А. АКБАРОВ.**

## «Моҳинабону» чеварлари

Бундан уч йил аввал тадбиркорликка қўл урган мингбулоқлик Қорияхон Қодирова фаолият учун маиший хизмат соҳасини танлади. Уни "Моҳинабону" деб номлади. Атрофига жўмашўйлик қиз-жувонларни бирлаштирди. Тикувчилик сирларини ўргатди. Опа бошқараётган кўп тармоқли фирма ўтган йилнинг ўзида аҳолининг 1,2 миллион сўмлик буюртмасини бажарди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Хабарлар оқимидан*

## Ҳисоблайди ва тежайди

Андижон туманидаги Куйганёр шаҳарчаси аҳолиси баҳорда "UZ-METRTECH" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг бир йиллигини нишонлайди. Асосан маҳаллий ёшлардан таркиб топган жамоа қисқа давр мобайнида буюртмачиларга 58356 дона ёки 1 млрд. 692 миллион сўмлик газ ҳисоблаш ускуналарини етказиб берди.

Хорижникидан асло қолишмайдиган жиҳозларнинг хонадонларга ўрнатилиши ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий салоҳиятини оширибгина қолмай, газ таъминотидаги узилишларга ҳам барҳам берди.

**Ўз мухбиримиз.**



## Тил билганга "тилло" тест

Яқинда Қорақалпоғистонда қорақалпоқ тили ва адабиёти бўйича мактаб касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган ушбу беллашувда Д. Қолбоева, Л. Бейимбетова, М. Машариповалар ғолиблик шоҳсупасини эгалладилар. Олимпиада шартларига кўра, истеъдод соҳиблари Қорақалпоғистондаги исталган олий ўқув юртига тест синовларисиз қабул қилинади.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Хўжалик иссиқхонаси кенгаймоқда



*Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳар йили пойтахт аҳолисига тонна-тонналаб дала ва боғ неъматлари етказиб берадилар. Улар бундай маҳсулотларни қиш ойларида ҳам етиштириш мақсадида мавжуд иссиқхонани кенгайтирмоқдалар. Тез орада унга яна 80 сотих майдон қўшилади. Қурилиш ишларида пайвандловчи Бахтиёр Очилов, айниқса, ўзини кўрсатмоқда.*

**СУРАТДА: Бахтиёр Очилов.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 17 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 781,54 | 1 Малайзия ринггити | 260,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1863,70 | 1 Польша злотийси | 260,13 |
| 1 Дания кронаси | 169,15 | 1 СДР | 1492,66 |
| 1 БАА дирхами | 269,42 | 1000 Туркия лираси | 0,76 |
| 1 АҚШ доллари | 989,54 | 1 Швейцария франки | 799,18 |
| 1 Миср фунти | 160,38 | 1 ЕВРО | 1259,68 |
| 1 Исландия кронаси | 14,55 | 10 Жанубий Корея вони | 8,55 |
| 1 Канада доллари | 751,99 | 10 Япония иенаси | 93,87 |
| 1 Хитой юани | 119,55 | 1 Россия рубли | 34,70 |
| | | 1 Украина гривнаси | 185,63 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



# Фароғат бошқалар ҳисобига бўлмаслиги керак

Қибрай туманининг Салор ҳудудида Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти бор. Қўшнинининг 20 сотихли иссиқхонаси ҳам шу институт қозонхонасидан фойдаланмоқда. Қозонхона раҳбари Раҳмон Расулов бу ноқонуний ишни газ таъминотидаги қарзларни узиш учун амалга оширганини рўкач қилди. Ваҳоланки, иссиқхонани таъминлаш институтнинг қонуний ваколатига кирмайди. Туман газ инспектори Аҳмад Сотқулов институт мазкур ноқонуний ҳаракати оқибатида 700 минг сўм зарар етказганини маълум қилди.

Қибрайлик фуқаро Собир Эшметов 10 сотихли иссиқхонасида газдан ўзбошимчалик билан фойдалангани учун 461 минг сўмдан зиёд зарар етказган. Биз туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходими билан С. Эшметовга юзландик. Нафс чангалидан ҳали фориғ бўлмаган, шекилли, бу инсон оддий одамийлик хусусиятларини ҳам ўзига эп кўрмади. Ичкарига қўйиш тугул, саволларимизга умуман жавоб бермади. "Сиз ҳалол ишлаётган бўлсангиз, нимадан чўчийсиз?" – деган саволимизга газ инспектори А. Сотқулов жавоб берди: "Баъзилардан зарар ундирилади, лекин кўп ўтмасдан газдан яна ноқонуний фойдаланишга ўтилади. Бундайлар, табиийки, хўжалигига ҳеч кимни йўлатмайди. Биз бу каби маълумотларни қўлга киритиш учун баъзан девор ошиб тушишга мажбур бўламиз."

Тавба, дея ёқа ушлайсиз. Кўпчиликнинг ризқ-насибасига хиёнат қилиб, фақат ўз нафси ғамида ноқонуний йўллар билан даромад топиш учун одамзот "ватан", "она", "муҳаббат" сингари ноёб туйғулардан бебаҳра ўсган бўлиши лозим.

Ошириб юбординг, деяётган бўлишингиз мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Шу иссиқхоналар билан ёнма-ён жойлашган хонадон эгалари кўмир олиб келиб, печкада олов ёқишаяпти. "Газ босими пастлиги учун уйлар ҳеч исимайди, — дейди қиб-

*Ажабо!*

райлик Фазлиддин Холиқов. — Оилада кекса онамиз, ёш боламиз бор. 150 минг сўмга кўмир сотиб олиб, ёқишга мажбур бўлдик». Одамларда инсоф-диёнат бўлмаса қийин экан, — дейди Маданият маҳалласида яшовчи Рихси Эргашева. — Баъзи иссиқхоналари бор қўшниларимиз, айниқса, кечалари газдан ўғринча фойдаланганликлари учун уйимиз исимайди. Кундузи туш пайтлари газ босими бироз ортади. Шу вақтда кечки овқатни қилиб улгурамиз. Кечқурун газда овқат пишириш анча вақтга чўзилади. Баъзилар яна эски ўчоқларга тутинган.

Маданият маҳалласи, Гулистон кўчаси 9-уйда яшовчи О.Усмонов 11 сотихли, Ёнариқ фуқаролар йиғини, Носирбек ота кўчасидаги 26-уй эгаси А.Нуриддинов 3, Ёнариқ кўчаси 29-хонадон соҳиби З.Шокиров 2, шу маҳалланинг Муҳиддинов кўчаси 5-уйда яшовчи Э.Обидов 3, Х.Обидов кўчаси 3-уй эгаси Д. Абидов қарийб 4 сотихли томорқаларида иссиқхоналар қуриб, газдан ўғринча фойдаланганлари учун жами 1 млн. 845 минг сўм зарар етказганлар. Бу маблағ Қибрай тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан ундирилган.

Шуниси эътиборлики, мазкур маълумотлар ўтган йилнинг ноябрь, декабрь ойларида аниқланган. Ҳали қишки мавсум ниҳоялангани йўқ. Обҳаво бирдан пасайиб, қаҳратон қиш ўз ҳукмини ўтказиши мумкин. Нафс чангалига ўзларини топшириб қўйганлар яшаб турган уйларидаги иссиқлик қувурининг жўмрагини ҳам иссиқхоналарига буриб юборибдилар, деган хабарни ногаҳон эшитиб қолсангиз, асло ҳайрон бўлманг.

— Аслида тадбиркорлар ўз хўжаликларида битта газ ўлчагич ўрнатиб, хотиржам фаолият юритсалар бўлади,— дейди туман газ идораси ходимлари. — Бунинг учун 50 минг сўм маблағ лозим бўлади. Катта мақсад ва даромад учун иш бошлаганларга бу ҳеч гап эмас.

Ҳақиқатан ҳам, даромад қиламан деганга имкониятлар яратилгани ва йўллар очилганлиги рост. Лекин барибир баъзи саволларга жавоб топиш мушкулдек... Нега вақтида маълум миқдордаги пулни сарфлашдан қочиб, кейинчалик уни икки баравар қилиб тўлашимиз керак? Нега кўздай қўшнимизга зарар етказиш ҳисобига бойишимиз зарур? Қилаётган ишимиз кимга қандай фойда бераяпти?

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

патент № 0119582

**ТАШҚИ РЕКЛАМА**

Корхона ва ташкилотлар диққатига !
Хусусий тадбиркор Умурзаков Э.А.
Сиз учун қисқа муддатларда ва арзон баҳоларда қуйидаги ташқи реклама воситаларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича ўз хизматларини таклиф этади:

- *пластик осма ёзувлар;*
- *ёритилувчи таблолар;*
- *ҳажмли ҳарфлар;*
- *эшик лавҳалари;*
- *тортма баннерлар;*
- *кўрсаткичлар;*
- *реклама тўсинлари ва ҳоказо*




**Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**128-37-13, 173-63-90, 186-37-13, 173-38-35.**

# «...Онинг учунки шод бўлғай»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзингиз айтинг, қўшни оши, қўшни ҳақи, ота-онани бошда тутиш, кексаларга ҳурмату кичикларга иззат каби гўзал одатлар бебаҳо маънавият эмасми? Остонада турган Наврўзимизнинг ҳам маънавий томонлари бисёр. Улар ҳаётимизни янада гўзаллаштиришга хизмат қилади. Биз ҳам ушбу байрамни муносиб кутиб олиш ҳаракатидамиз. Истардикки, юртимизнинг ҳар гўшасини "бизнинг гуллар" безаб турса.

Мен Абдуқодир аканинг она табиатни, ҳокисор заминни айрича бир эъзозлаган, ардоқлаган оддийгина сўзларини шундоқ тушундим: сени соғиндик, Наврўз!

Сумалак — Наврўзнинг шоҳ таоми. Олтиариқлик Ҳидохон ая сумалак «жиниси». Қишда ҳам битта ўзи кечаси билан сумалак пишириб, эрталаб кўни-қўшниларга, улардан ортса, бутун маҳаллага улашиб чиқади. Баъзи бировлар унга "сизга нима зарил, қишда сумалак қилиб? Иссиққина сандалда маза қилиб ётсангизчи", — деб йўл-йўриқ кўрсатгандай бўлишган экан, ая қандай жавоб қайтарибди денг: "Мендан миннатдор бўлишлари ёки менга раҳмат айтишлари учун сумалак солмайман. Аввало, бу ишимдан ўзим роҳатланаман, баҳонада қўшниларим билан дийдор кўришаман, агар билсангиз, уларга сумалак эмас, меҳр улашгандай бўламан. Ўз навбатида улар ҳам менга иззат-икром кўрсатишади. Одам боласидан бу дунёда яхшилик қоладида, айланайлар".



Умрида мулозамат нималигини билмаган, соддагина, қишлоқ аёлининг самимий муносабатида яхши тилак зоҳир эди: сени соғиндик, Наврўз!

* * *

Наврўз тадбирлари куй-қўшиқсиз ўтмайди, албатта. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бу йилги "Азиз она юртим наволари" республика қўшиқлар танловини фестиваль тарзида ўтказишни маъқул топди. Мазкур танлов Наврўзга бағишланган бўлиб, февраль ойида "Туркистон" саройида уюштирилади. Энг сара, энг гўзал деб топилган куй-қўшиқлар Наврўз тантаналарида ижро этилади.

Бугун ҳар ёнда, табиатда ҳам, юракларда ҳам янгиланиш бошланмоқда. Янги кун нафаси тобора яқинлашиб келаётир. Беихтиёр ҳазрат Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидаги бир воқеани хотирлайман. Шоир Лайлининг тилидан айтишича, Наврўзда одамлар байрамни шодиёналик билан ўтказиш учун боғу гулшан сайрига чиққанлар, бу сайр ўзларининг мушкулларини осон қилишига умид боғлаганлар:

***Бор онинг учунки***
***шод бўлғай,***
***Ҳар бандиға***
***бир кушод бўлғай.***

Бугун барчамиз ана шундай эзгу тилаклар оғушидамиз.

Сени соғиндик, Наврўз!

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

**ва Учинчи дунё мамлакатлари фанлар академияси (TWAS) ёш олимлар учун биргаликда таъсис этган мукофотига танлов эълон қилади.**



**Мукофотлар математика, астрономия, физика, биология ва кимё соҳасидаги юқори савиядаги фундаментал илмий ишлар учун берилади.**

**ИШЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:**

- *танловда ёши 40 дан ошмаган, илмий даражага эга бўлган ёш олимлар қатнашиши мумкин;*
- *танловга охирги 5 йил давомида халқаро нуфузли журналларда чоп этилган мақолалар нусхаси ҳамда чет элда нашрдан чиққан монографиялар қабул қилинади (халқаро конференцияларнинг маърузалари ва тезислар сифатида чоп этилган мақолалар қабул қилинмайди);*
- *танловга муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган сўровнома тақдим қилиниши шарт;*
- *танловда алоҳида шахслар якка тартибда иштирок этиши мумкин. Ҳаммуаллифлар мавжуд бўлган ҳолларда, муаллифнинг шахсий иштироки ҳақидаги маълумотнома муаллифлар жамоаси раҳбари имзоси билан тақдим қилинади.*

***Ҳар бир мукофот — 500 АҚШ долларини (TWAS ҳисобидан) ва шу пулнинг сўмдаги эквивалентини (ЎзР ФА ҳисобидан) ташкил қилади.***

*Ҳужжатларни тақдим қилиш муддати — 2004 йилнинг 15 мартигача.*

***Мукофотларни олиш тартиби, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳақида қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан:***

***700047, Тошкент ш., Я. Ғуломов к., 70-уй, телефон: (371) 133-73-31 ёки Фанлар академиясининг web сайтидан www.academy.uzsci.net олиш мумкин.***

***Ғолиблар махсус комиссиянинг танловидан ўтган номзодлар ичидан 2004 йилнинг апрель ойида ўтказиладиган конференцияда ўз илмий ишлари бўйича қилган маърузалари асосида танланади.***

---

*«Ўзмиллийбанк» таништиради*

*Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасининг фаолиятини жонлантириш хайрли иш эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг Фарғона водийси каби аҳоли зич жойлашган минтақасида катта аҳамиятга эга. Чунки корхона ишлай бошлаши муносабати билан янги иш ўринлари пайдо бўлади, инфратузилма яхшиланади, мавжуд ижтимоий муаммолар у ёки бу даражада ҳал этилади.*

# ЎНГЛАНАЁТГАН ФАБРИКА

1984 йилда Фурқат туманида «Ишонч» тўқимачилик фабрикасига асос солинганида кўпчилик ана шу мақсадлар рўёбга чиқишидан умидвор бўлганди. Сабаби бу ерда пахта толасидан ип газлама чиқарилиши режалаштирилганди. Аҳолининг аксарияти пахтачилик билан шуғулланадиган туман аҳли учун бундан ортиқ яна нима керак?! Устига устак, фабрика 10 гектар майдонни давлатдан 45 йил муддатга, яъни 2029 йилгача фойдаланиш учун олган эди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари корхона учун чинакам синов даври бўлди. «Талаб ва таклиф» қоидаси бош мезон ҳисобланган бозорга кириб бориш осон кечмади. Бироқ, барча қийинчиликларга қарамай, фабрика раҳбарияти меҳнат жамоасининг ўзагини ташкил этувчи тажрибали ходимларни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу туфайли корхона касодга учрамади.

Аммо янги давр ўз талабларини ўртага қўйган эди. Шунга кўра, 1994 йилда, мустақилликнинг учинчи йилида фабрика хусусийлаштирилиб, очиқ турдаги акциядорлик компанияси сифатида қайта рўйхатдан ўтди. Албатта, корхонада мулкчилик шаклининг ўзгартирилиши ўша заҳотиёқ самара бера олмайди. Янги шароитга мослашишнигина эмас, балки унумли ишлашга ҳам қодирлигини исботлаш талаб этилади. Бу борада айтиш мумкинки, жамоанинг омади келди. Марказий Осиё-Америка Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди лойиҳалари бўйича хорижий маслаҳатчи, покистонлик хусусий инвестор М.Иқбол фабрикага катта қизиқиш билан қаради. Корхона акцияларининг 66,4 фоизини сотиб олди, меҳнат жамоасининг улуши 26, инвестиция фондларининг ҳиссаси эса 7,6 фоизни ташкил этди.

Бу ҳол, табиийки, корхона учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Аввало, фабрика яқин келажак учун ўз ривожланиш стратегиясини белгилаб олди. Бунда биринчи навбатда технологияни янгилаш ва бутун ишлаб чиқаришни реконструкциялаш назарда тутилган эди. Тендер ўтказилиб, машина-ускуналар етказиб берадиган компания аниқланди. Мазкур иш билан Германиянинг «Trutzschler GmbH & Co.Ltd» компанияси шуғулланадиган бўлди. У нафақат машина-ускуналарни етказиб бериш, айни чоғда уларни ўрнатиш ва фабрика ходимларини замонавий дастгоҳларда ишлашга ўргатиш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олди. Тузилган шартноманинг умумий қиймати қарийб 7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу катта маблағнинг асосий қисмини, яъни 5 миллион долларни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки узоқ муддатли кредит асосида, ОТБ ва ЕТТБ кредит йўналишлари доирасида берди. Қолганига ускуналар етказиб берувчи томонидан тижорат кредити тақдим этилди. Бунда қайтариш муддати уч йил, шундан 12 ойи имтиёзли давр этиб белгиланди.

Ниҳоят, ўтган йилнинг июнь ойида Германия компанияси ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни бажаргач, корхона янги ускуналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади.

— Шуни айтиш керакки, йилига 4700 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 4230 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга, — дейди туман ҳокими Зокиржон Раҳмонов. — Ҳозирги кунда фабрикада қарийб юз киши ишлаяпти. Демак, тумандаги шунча оила доимий даромад манбаига эга. 2003 йил якунларига кўра, бу ерда 2631 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Шундан умумий қиймати 800 минг АҚШ долларилик 388 тонна маҳсулот экспорт қилинди.

Корхона раҳбарларининг ишонч билан айтишича, жорий йилда экспорт ҳажми уч баравар ортади, кейинчалик эса бу кўрсаткич тўхтовсиз ўсиб боради. «Ишонч» ОАЖни ўзининг энг истиқболли бизнес шерикларидан бири, деб ҳисобловчи Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг раҳбарияти ҳам бунга шубҳа қилмайди. Фикримизча, фабриканинг молиявий жиҳатдан энг бақувват корхоналардан бирига айланишига кўп вақт қолгани йўқ.

**Тўлқин ТОШИМОВ.**

---

## Янги рақс жамоаси

Замонавий рақс санъатини яратиш зарурияти кўп йиллардан бери юзага келган эди. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида Маданият ишлари вазирлигининг қўллаб-қувватлаши ҳамда Алишер Навоий номли академик катта театрининг ташаббуси билан янги рақс жамоасини ташкил этиш имконияти юзага келди.

Шу маънода ўтган йил бошида Академик театр қошида ушбу йўналишда талай ишлар амалга оширилди. Профессионал рақкос ва рақкосалар ўртасида танлов эълон қилинди. Ниҳоят, "Офарин" деб номланган янги рақс жамоаси ташкил топди. Мазкур жамоа миллий анъаналарга бой рақс санъатини Европа хореографияси ва модерн ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда Ўзбекистон санъатини жаҳон саҳнасига олиб чиқишни кўзда тутган.

— Бизнинг асосий вазифамиз, — дейди театрлашган рақс жамоасининг бадиий раҳбари Алия Шалхарова, — бой миллий меросимиз, профессионал малакага асосланган ўз замонавий услубимизни яратиш. Фаолиятимизнинг асоси жуда катта меросга эга миллий рақс санъатимизда ранг-баранг усуллардан фойдаланиш.

Янги рақс жамоаси ўзининг илк чиқишини "Рақкоса" деб номлаган ва ушбу композиция-спектаклнинг тақдимоти шу йилнинг 4-5 март кунлари бўлиб ўтади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

***қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги объектга қайта танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:***

**1. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, М.Дангалова номли ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти қурилиши.**

*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой. Бошланғич баҳоси — 60 481 000 сўм.*
**Буюртмачи** — *Самарқанд вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.*
**Манзили:** *Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.* **Телефон:** *35-82-86.*
*Қурилиш ишлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.**

*Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.*
*Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, соат 18.00да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

---






---

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

*танлов савдоси эълон қилади.*

Иншоот номи: **«Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, генерал Узоқов кўчасидаги иситиш қозонини қайта таъмирлаш» (фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).**

*Қурилиш муддати — 2004 йил III-чорак. Бошланғич баҳоси — 30 миллион сўм.*

Объект номи: **«Фарғона туманининг Водил қишлоғида «Соғломлаштириш маркази» биноси қурилиши» (фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).**

*Қурилиш муддати — 2005 йил IV-чорак.*

**Буюртмачи** — *Фарғона вилояти ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.*
**Манзили:** *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй.* **Тел./факс:** *24-24-33.*
*Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: *етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).***
***Тел./факс: 26-43-19, 26-82-93.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).*

---


O'zLotto
Тўкин ҳаёт сари!

MultiLot
uzbek-korean joint venture

# «Мултилот» қўшма корхонаси

фирма ва жисмоний шахсларни «Ўзлотто 6/40» лотереясини тарқатишга ҳамкорликка таклиф қилади.

**ДИЛЕРЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

- Одамлар гавжум жойларда, лотерея ускуналарининг бутунлигини таъминлайдиган савдо шохобчаси (киоск, дўкон) бўлиши;
- Бир тўплам лотерея ускуналари учун камида 500 минг сўмлик депозит бериш имконияти бўлиши.

Лотереяларни тарқатиш учун комиссия — сотилган лотереялар суммасидан 7 фоизгача.

Ҳамкорлик тугагандан сўнг депозит қолдиғи қайтарилади.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 24, телефон: **136-70-69.**

Лицензия № 000001 06.08.03 й.

# Эрта келган футбол ҳавоси

## армонларимизни ушалтирсин

*Мамлакатимизга бу йил футбол ҳавоси ҳар қачонгидан-да эрта кириб келди. Февраль ойининг биринчи ўн кунлигида ўтган йили миллий чемпионатимизда олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган "Пахтакор" ҳамда "Нефтчи" жамоалари Осиё чемпионлари лигасидаги дастлабки тур ўйинларини ўтказишди. Лекин Эроннинг Исфахон шаҳридаги учрашувларда иккала клубимиз ҳам футбол ишқибозлари кутган натижани қайд этишмади. Шундай бўлса-да, пойтахтликларнинг ҳам, фарғоналикларнинг ҳам ушбу нуфузли турнирнинг кейинги турларида ғалаба қозонишга имкониятлари етарли. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас.*

Мустақилликни қўлга киритганимиздан буён ўзбек футбол мухлисларининг энг катта орзуси миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатининг финал ўйинларида кўриш. Уларнинг бу йилги орзуси ҳар қачонгидан-да кучли. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. 2002 йили ёш футболчиларимиз ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўлланма олишганди. Улар ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган "мундиал" баҳсларида ишончли тўп суришди. Футболи тараққий этган Аргентина, Испания мамлакатлари футболчилари билан тенгма-тенг кураш олиб боришди. "Нега энди ёшларимиз уддалаган ишни катталаримиз қойиллата олмаслиги керак?" Бу ҳар бир ўзбек футбол мухлиси қалбининг туб-тубидаги гап. Бугун миллий терма жамоамиз ана шу эзгу орзуларни рўёбга чиқариш учун дастлабки қадамни ташлайди. 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма учун саралаш ўйинларига киришади. Ўз майдонида гуруҳдаги асосий рақиби Ироқ футболчиларини қабул қилади.

Ўтган йили "мундиал" баҳсларига қуръа ташлангандаёқ, гуруҳдаги асосий рақибимиз Ироқ бўлиши мумкинлиги ойдинлашганди. Негаки, гуруҳдаги қолган икки — Фаластин ҳамда Хитой Тайпейи терма жамоалари дастлабки рақибимиздай кучли футболчиларга эга эмас. Ироқ жамоалари қитъанинг нуфузли мусобақаси ҳисобланган — Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ ўйинлари босқичигача етиб келишга муваффақ бўлишди. Бунга мисол тариқасида, "Ал-Талаба"ни айтишимиз мумкин. Ўтган йили бу жамоани пойтахтимизда "Пахтакор"га қарши тўп сургани футбол мухлисларининг ёдида бўлса керак.

Айни пайтда Ироқ терма жамоасига германиялик машҳур мураббий Бернд Штанге бошчилик қилмоқда. Қизиғи шундаки, миллий терма жамоамиз футболчилари шу йилнинг ўзида Штанге шогирдлари билан бир неча бор куч синашишади. Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидан ташқари, Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг финал ўйинларида ҳам Ироқ терма жамоаси билан бир гуруҳдан жой олганмиз. Хабарларга қараганда, терма жамоамиз билан бўладиган ўйинга ироқликлар жиддий ҳозирлик кўришган. Улар ўтган ҳафта Япония футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказишиб, 0:2 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Терма жамоамиз эса тайёргарликка 13 февралдан киришишди. Бош мураббий Равшан Ҳайдаровнинг айтишича, Осиё чемпионати саралаш ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган барча футболчилар таркибга жалб этилган. Хориж жамоаларида тўп сураётган «легионер»ларимиз Евгений Сафонов, Виктор Карпенко («Шинник»), Владимир Шишелов («Зимбру»), Андрей Акопянц, Николай Ширшов («Ростов»), Миржалол Қосимов («Алания»), Александр Гейнрих (ЦСКА)лар ўтган ҳафтада Тошкентга етиб келишган. Максим Шацких ва дарвозабонимиз Алексей Поляковлар душанба куни жамоа сафига қўшилишди. Уларнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида ҳам худди Осиё чемпионати саралаш ўйинларидаги зафарларини давом эттиришига умид қиламиз.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Сирғалилик навоийхонлар

Сирғали тумани Маънавият ва маърифат маркази Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига бағишлаб туман ҳудудидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб ўқувчилари ўртасида "Барҳаёт Навоий" кўрик-танловини ўтказди. Танлов шартларига кўра ўқувчи ва талабалар нафақат адабиёт, шеърият бўйича, балки спорт турлари бўйича ҳам баҳслашдилар. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**М. ТОЖИЕВА.**


**O'ZSANOATQURILISҺBANK**
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

ДЎКОН ва СУПЕРМАРКЕТЛАР учун қуйидаги **САВДО УСКУНАЛАРИ** тақдим этилади:



- ВИТРИНА МУЗЛАТГИЧЛАРИ;
- САВДО РАСТАЛАРИ;
- ИДОРАЛАР УЧУН БУЮРТМА МЕБЕЛЛАР;
  ВА БОШҚА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ
- ПУЛ ТАРҚАТИШ ШОХОБЧАЛАРИ



Компьютер безаклари

Манзил: Усмон Носир кўчаси, 110
Тел.: 53-23-19, 50-83-05.
Маълумотнома хизмати: 120-09-09.

AZN TECHNO



*Мулкчилик шаклидан қатъи назар ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар диққатига!*

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**2004 йил вилоят манзулий дастурига киритилган йилдан-йилга ўтаётган объектлар учун зарур бўлган ҳар хил мебель, ошхона ва электр жиҳозлари сотиб олиш бўйича танлов савдоси эълон қилади.**

**ЛОТ №1.** Спорт жиҳозлари: канат, гимнастика брусьялари, барьерлар, ҳар хил тренажёрлар, ўйинлар учун дарвозалар, резина йўлакчалари ва бошқа ҳар хил жиҳозлар.

**ЛОТ №2.** Мебеллар: ҳар хил шкафлар, курси ва диванлар, стол ва стуллар, тумбочкалар, стеллажлар, банкеткалар, медицина жавонлари, ишлаб чиқариш стол ва стуллари, синф доскалари, китоблар учун жавонлар.

**ЛОТ №3.** Ошхона ва электр жиҳозлари: сув иситгич, музлатгичлар, электр плиталари, электр қуритгич (қўл учун), музлатгичли витриналар.

*Буюртмачи — Фарғона вилояти ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.*
*Манзили: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй. Тел./факс: 24-24-33.*
*Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчилар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: *етарли касбий ва техникавий малакага, маҳсулот қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига ёки банк кафолатномасига эга бўлишлари, хомашё материаллари заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик хуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

**Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй**
**(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**
**Тел./факс: 26-82-93, 26-43-19.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).*



# ДИҚҚАТ! СУПЕР-АКЦИЯ!

UzbekLeasing International AO ВА PFAFF SINGER

**тикув ишлаб чиқаришини ташкил қилиш бўйича энг яхши лойиҳа учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ғолиблар **лизинг** бўйича қиймати 10 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача бўлган тикув ускуналарини имтиёзли шартлар асосида харид қилиш имкониятига эга бўладилар.

**Иштирокчиларга бўлган талаблар:**
- юридик шахс (давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлмаслиги);
- ишлаб чиқариш биносининг мавжудлиги;
- бизнес-режа;
- камида 1 йиллик иш фаолияти;
- компания фаолияти ҳақида маълумот;
- бошланғич тўловларга маблағ мавжудлиги.

**Ғолиблар учун** PFAFF SINGER **гаров кафолати** таъминотини ва лизинг бўйича фоиз тўловларининг **50 фоизини ўз зиммасига олади.**

**Бу тадбирдан кўзланган мақсад — маҳаллий тадбиркорларга замонавий тикув ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва йўлга қўйиш йўли билан Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш.**

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 133-89-99, 132-11-14.



Нарх ва сифатнинг бир-бирига ғоятда мослиги, шунингдек, сервис хизматининг юқори даражадалиги Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги НТ технологияли TS-Technology® Р компьютерларини танлашни тақозо этади.

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари



Ходимларингизнинг кам вақт ичида кўп иш бажаришларини хоҳлайсизми?

**Бир вақтнинг ўзида бир неча иловаларни қайта ишлай оладиган компьютерлардан фойдаланинг. Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги НТ технологияли TS-Technology® Р компьютерлари.**

Таълим соҳасидаги давлат ўқув муассасаларига имтиёзли нархлар.
Корпоратив буюртмачилар учун техникани савдодан олдин тестдан ўтказиш.

Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520-1522-офислар; http//:www.tstech.uz.
Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., тел.: (371) 120-77-62, 120-77-89, факс: 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57, 157-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.

Intel® Pentium® 4 процессорлари логотипининг НТ технологияси билан биргаликда бўлиши тизим етказиб берувчилар томонидан унинг иши Hyper-Treding технологияси билан текширилганини англатади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари аппаратнинг конфигурацияси ва дастурий таъминоти ҳамда созланишига қараб ўзгариши мумкин.


Милициянинг тезкор хабари

## Аэродромдаги қинғир иш

Қибрай туманидаги Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ҳар хил турдаги самолётларни синов-учириш майдонида гумондор шахс ушланди.

Қибрай тумани ички ишлар бўлимига келган маълумотлар орқали ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида тажриба майдони катта назоратчиси Ўктам Эшматов Исроил давлатида ишлаб чиқарилган 9 миллиметрли жанговар ўқ отиш қуролларидан бири — «УЗИ» русумли автомат ва 450 дона жанговар ўқ-дориларни ярим тунда пуллаётганда қўлга олинди.

Ҳозир ушбу аэродромни қўриқлаш ва бу ишга тайинланаётган ходимни танлашда йўл қўйилган хато-камчиликлар ўрганилиб, жиддий чоралар кўрилмоқда.

Ушбу жиноий ҳаракат юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Адиба РАҲМАТУЛЛАЕВА.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси собиқ вазир ўринбосари, Фарғона вилояти «Ирқурилиш» трести бошқарувчиси **Ҳомиджон ЙЎЛДОШЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасининг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбийлашган Бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Гулчеҳра Акбаровага падари бузруквори **МУҲИТДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси механика-математика факультети профессори Азиз Кенжабоевич Ворисовга волидаи муҳтарамаси **НАЗОКАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Психология ва социология кафедраси мудири Зироат Якубовага волидаи муҳтарамаси **Саодат ЯКУБОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзиртаъмирқурилиш» уюшмаси жамоаси «Фарғонаирқурилиш» трести бошқарувчиси **Ҳомиджон ЙЎЛДОШЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқин қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзР ФА Иқтисодиёт институти жамоаси собиқ бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари номзоди Ш. Шофайзиевга турмуш ўртоғи **НОДИРА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги жамоаси «Наманганғаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси директори Нусратулло Убайдуллаевга онаси **ЎРИНХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —374. 33013 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Ⓣ-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 2345